

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАҢДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-80
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Умурзақова	
Туркистонда ягона қишлоқ хўжалиги солиғининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим	167
Ҳ.Жўраев, Х.Мадазимов	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар	170
М.Юсупова	
Ўзбек шеърлятида Навоий образи	172
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор аънаналари	175
М.Омонова	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида аънавий мотив ва тимсолларнинг ўрни	179
Ҳ.Раҳматжонова	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси	182
Ш.Каримова	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчиси	184
С.Олимжонов	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида)	187
Д.Юлдашева	
Болалар шеърий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши	191
Н.Умарова	
Навоий қўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони	194
И.Ҳабибжонов	
Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари	197
А.Зинатуллина	
Ўзбек ва француз тилларидаги мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари	200
Н.Сабирова	
Социоллингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари	203
Д.Газиёва, М.Қўшматова	
Ибораунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида	208
И.Деҳқонов	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий таҳлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси	212
Д.Махаметова	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар	215
Х.Марипова	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши	219
Г.Сайдалиева	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни	222
С.Юлдашев	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари	226
Ж.Оришев	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари	228
Ш.Арипов	
Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва оналар ҳамкорлиги	232
Н.Хошимова	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар	236
А.Мухиддинов	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
ИЛМГА БАХШИДА УМР	243

САТИРАДА ИЖТИМОЙ РУҲ ИФОДАСИ
ВЫРАЖЕНИЕ СОЦИАЛЬНОГО ДУХА В САТИРЕ
THE EXPRESSION OF THE SOCIAL SPIRIT IN SATIRE

Раҳматжоновна Хуснида¹

¹ Раҳматжоновна Хуснида

– *Фаргона давлат университети адабиётшунослик кафедраси магистранти.*

Аннотация

Мақолада ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли намаёндаларидан Гулханий, Махмур ва бошқа шоирларнинг ижодидаги сатирада ижтимоий руҳ ифодаси ҳақида сўз боради.

Аннотация

В статье рассматривается выражение социального духа в сатире Гулхани, Махмура и других поэтов, известных представителей узбекской классической литературы.

Annotation

The article deals with the expression of the social spirit in the satire of Gulhani, Makhmur and other famous poets of Uzbek classical literature.

Таянч сўз ва иборалар: *ижтимоий ҳаёт, сатира, ижтимоий руҳ, воқеликка муносабат, бадиий тасвир, сатирик образ.*

Ключевые слова и выражения: *общественная жизнь, сатира, социальный дух, отношение к действительности, художественный образ, сатирический образ.*

Key words and expressions: *social life, satire, social spirit, attitude to reality, artistic image, satirical image.*

Бадиий адабиёт ижтимоий ҳаётнинг кўзгусидир. Воқеликда рўй бераётган ҳодисалар, турмушдаги ўзгаришлар, халқнинг орзу-умидлари ва интилишлари даврнинг пешқадам кишилари бўлган сўз санъаткорларининг қалами орқали у ёки бу даражада акс этиб боради. Албатта, воқеликнинг қандай ва қайси позитсияда туриб бадиий ифодаланиши шоирнинг дунёқараши, истеъдоди, феъл-атвори, таъбидаги муайян мойилликлар таъсирида юзага келади. Тақдирдан хушнудлик ёки аксинча замона носозликларидан норозилик, ўз мақеидан ифтихор ёхуд давр адолатсизликларидан шикоят шоир ижодида мадҳ типигади лирик асарларни ёки аксинча сатирик руҳдаги адабиёт намуналарини майдонга келишига сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, ҳаёт ҳақиқатини куйлаш борасида Қўқон адабий муҳитининг йирик вакиллари Акмал, Гулханий, Махмур бошқа шоирлардан фарқ қиладилар. Айниқса, Махмур хон илтифотига сазовор бўлиш учун тиришмагани, маддоҳликдан йироқ бўлганлиги учун ҳам саройдан ўз муносиб ўрнини топа олмаган. Унинг табиатидаги исёнкорлик, ҳажвга мойиллик, тўғрисиўзлик шахсий ҳаётида ҳам кўплаб кулфатлар келтирди. Бу эса, ўз навбатида, шоир ижодида замон носозликларидан шикоят

ҳамда воқеликка танқидий назарни келтириб чиқарди.

Махмурнинг изчил издошларидан бўлган Мавлоно Муқимий унинг сатира ва юмор борасидаги энг яхши анъаналарини давом эттирди, таъсирли усул ҳамда бадиий воиталарни янада ривожлантирди. Шоирнинг иқтисодий ночорликда кун кечириши, ҳукмрон табақаларнинг назаридан қолиши, истеъдодига яраша эътибор топа олмаслиги унинг руҳиятида исёнкорлик туйғуларини уйғотиши табиий эди.

Шоир бора-бора ҳаётни кенгроқ ва чуқурроқ идрок эта бошлади. Ён-атрофида ўзига ўхшаш жуда кўп бахтсиз кишиларни, ижтимоий адолатсизликларни кўра бошлади. У аксарият меҳнаткаш, хунарманд ва маърифат соҳибларини ғам-аламда, жоҳил давлатмандларни айш-ишратда кўрди. Замона кулфатларидан ўзи сингари азият чекаётган кишиларга ҳамдардлик туйғуларини ифода эта бошлади. Оддий халқ аҳволини ўз кўзи билан кўрган шоир “Саёҳатнома” асарида дунёни дорга ўхшатади:

*Бўлма ҳаловатга касал,
Оламда йўқ бениш асал,
Бешак мукофоти амал,
Дунё қурулгон дор экан.*

Муқимий яшаган муҳитда ҳукмрон доиралар бирон нарсага қурби етмаган оддий фуқарога ҳам, мол-дунёси бўлмаган олим, фозил кишиларга ҳам паст назар

билан қараш ҳоллари учрар эди. Уларнинг андозаси насл-насаб, мансаб ва мол-дунё эди. Шоир ўз мол-дунёсини кўз-кўз қилувчи, ноинсофлик воситасида бойлик орттирувчи давлатмандларни қоралаб, уларнинг кибру хавосидан кулади, нафратланади.

Ҳаёт воқелиklarини мунтазам кузатиб борган Муқимий халқ бошига тушаётган азоб-уқубатларга бефарқ бўла олмас эди. Шунинг учун ҳам кундалик ҳаётда рўй бераётган ҳодисаларга муносабатини билдирар экан, унинг ижодида мавзулар кўлами тобора кенгайиб борди. Шоир яратган асарларда жамиятдаги иллатларни фош қилиш бора-бора муайян ва аниқ шахслар тимсолида амалга оширила бошланди. Чунки шоир эл-юртга кулфат келтираётган, одамлар нафратига дучор бўлаётган кимсаларга қарши адабиётни, сатирани қурол қилиб олди. Аввалги фаслда ҳам айтилганидек, Навоий бошлаб берган “фалон” туркумидаги анъаналар худди Махмур ижодида бўлганидек, Муқимий шеърларида ҳам изчил ўрин ола бошлади. Очиқ танқид, ўткир ҳажв шоир ҳаётига хатар келтириши мумкинлиги унинг ана шундай нисбатан пардали усуллардан фойдаланишга мажбур қилар эди. Аммо

шоирнинг замондошлари, ҳатто ҳажв қаҳрамонининг ўзи ҳам “фалон” атамасининг остида ким турганлигини яхши билганлар. Бундай шеърлар қудратли сатирик кучга, юксак бадииятга эгаллиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Мавлоно Муқимий лирик асарлари билангина эмас, сатирик мероси билан ҳам ўзбек мумтоз адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутади. Ижтимоий воқеликни, ҳаётдаги иллат ва нуқсонларни, замондошлари феъл-атворидаги қусур ҳамда камчиликларни бадиий тасвирлашда шоир сатира ва юмор элементларидан моҳирона фойдаланади. Муқимийнинг сатирик образ ва характер яратиш борасидаги усуллари бугунги кунда ҳам тажриба мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Келтирилган мисоллар шоир яшаган давр ҳоким синф вакиллари бўлган амалдорлар, ўз манфаатинигина ўйлаб, золимларга зулм пичоғини қайраб берган баъзи руҳонийларни шарманда қилувчи ўткир сатира намуналаридир. Муқимий асарларининг шакли ҳам ифодаланаётган мазмунга мос бўлиб, халқ термаларига, масалларига ҳамоҳанг услубга эгадир.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т., 1980.
2. Абдурасулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари. –Т., 1972.
3. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. –Т., 1972.
4. Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира. Т., 1961.
5. Асрлар нидоси. Ўзбек адабиёти намуналари. –Т., 1982.

(Тақризчи: А. Сабирдинов – филология фанлари доктори).